



ШУКУР ДАДАШ

*Ҳадис – ҳаёт  
шамчироғи*

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЖАМИЯТИ

ШУКУР ДАДАШ

# ҲАДИС – ҲАЁТ ШАМЧИРОҒИ

(Имом Бухорийнинг  
“ал-Адаб ал-муфрад” асари асосида)



Тошкент  
2016

УЎК: 28  
КБК: 86.38  
Д 15

*Ушбу назмий китобча Имом Бухорийнинг “Ал-Адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) номли ҳадислар китоби асосида яратилган. Унда ҳадислар маънолари назмга солинган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг сифатлари ўзига хос назмий услубда баён этилган. Шунингдек, унда муаллифнинг рубоийлари ва фардлари жамланган. Китобни ўқиган киши ундан қониқиш ҳосил қилиб, ҳадисларнинг қадрини янада чуқурроқ англаб етади.*

### **Дадаш, Шукур**

Ҳадис – ҳаёт шамчироғи [Матн]: Имом Бухорийнинг “Ал-Адаб ал-муфрад асари асосида / Д. Шукур; масъул муҳаррир У. Уватов; Тошкент ислом университети, Исломуношлик илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. – 64-б.

*Масъул муҳаррир:*

**Тарих фанлари доктори, профессор  
Убайдулла УВАТОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йил 30 январдаги  
507 -сонли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

**ISBN 978-9943-12-400-4**

© Шукур ДАДАШ  
© «Movarounnahr» 2016.



---

*Ушбу мўъжаз китобни номлари қалбимиздан ўчмас бобом ва бувим – Ҳожи Тошпўлат қори Азимжон ўғли ва Марям отин Рихсимуҳаммад қизининг ёрқин хотираларига бағишлайман.*

### **“СЎЗДА СЕҲР БОР, ШЕЪРДА ЭСА, ҲИКМАТ”**

Жаноби Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг муборак ҳадисларини қунт билан ўрганиб, унга амал қилган олимлару донишмандлар уни “Ҳадис – ҳаёт шамчироғи” деб атаганлар. Доимо ҳадисларни асраб-авайлаганлар, биронта сўз қўшилишига йўл қўймаганлар. Шу боисдан ҳам Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий каби буюк муҳаддисларнинг номи қуёшдек порлаб турибди.

Диёримиз аҳлининг маънавий-маърифий ҳаётидан чуқур ўрин олган ҳадислар неча асрлардан бери кўплаб ижод аҳлига илҳом бағишлаб келади. Ҳазрат Алишер Навоий бу борада ибратли ижод намуналарини яратган. Мутафаккир шоирнинг “Арбаъин” – “Қирқ ҳадис” китоби ҳанузгача ихлос ва қизиқиш билан мутолаа қилинади. Кўп олимлар ҳадисларни шеърга солиб бўлмайди, деб ҳисоблашган. Навоий бобомиз ҳадислар мазмун-моҳиятини қисқа сатрларда очиб бериб, уларга янгича кўрк бағишлаган. Ҳадис маънолари улуғ шоирнинг ақл-заковати боис, гўё шуълаланиб кетган.

Бу ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадисларини тарғиб этишнинг ўзига хос усули саналади. Алишер Навоийнинг замондошлари ва ундан кейин яшаб ўтган кўплаб шоирлар ҳам ҳадисларни шеърга солиб, эл аро шуҳрат топганлар.

Мустақиллик йилларида Ислом динига бўлган эҳтиром янада кучайди. Жумладан, шоир Шукур Қурбон ҳадислар асосида яратилган “Арбаъин” номли назмий китобчасини чоп эттирди.

Шулар қаторида ўзининг кўплаб шеър, достонлари ва фалсафий йўналишдаги насрий асарлари билан танилган шоир Шукур Дадаш Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) ҳадислар китоби асосида яратилган “Ҳадис – ҳаёт шамчироғи” номли шеърий тўплам тайёрлади.

Муаллиф тўрт фаслдан иборат китобининг биринчи фаслида ҳар бир ҳадиснинг ўзбекча асл матнини келтириб, сўнгра уни шеърий баён қилган. Китобхон уларни ўқиркан, ҳадислар маъносини янада чуқурроқ англаб етади, шуниси эътиборли ва аҳамиятлики, оддий, аммо жозибали сўзлар билан битилган сатрларни қийналмай бир-икки ўқишдаёқ ёд олиш имкониятига эга бўлади. Зеро, жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат”, дея бежиз таъкидламаганлар.

Шоир китобга бир неча ривоятларни ҳам киритган. Табиийки, ривоятлар ҳадисларга асосланган шеърларни янада тўлдирган, мазмунан бойитган.

“Ҳадис – ҳаёт шамчироғи” мажмуасининг иккинчи фаслида жаноб Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобалари, ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиз берган таърифларидан, сифатларидан фойдаланиб, илҳомланиб ёзилган “Буюк хулқ соҳиби” деб аталган туркум ҳам ўрин олганки, шеърлар ўқувчини ҳаяжонга солиб, ана шундай гўзал хулққа эга бўлишга чорлайди.

Китобнинг учинчи фасли – “Панднома”да Шукур Дадашнинг рубоийлари ва фардлари жамланган, улар ҳам ҳадислар таъсирида битилганлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб турибди. Шоир ёзади:

*Тўғридан ҳайиқма, эгилгандан қўрқ,  
Қара, камон эгик, аммо отар ўқ.*

Ёки мана бу сатрларга эътибор беринг:

*Қидирсанг яшашнинг осон йўлини,  
Сенга хотиржамлик тутмас қўлини.*

Ҳадис – ҳаёт шамчироғи, дедик. Ижод аҳли ундан баҳра олиб, яратган асарлар шу чироқ шуълаларини янада ёлқинлатади, бу нурдан баҳрамандлар сафини кенгайтиради. Хайрли ишга қўл урган шоир Шукур Дадаш ҳам самарали меҳнат қилган, сатрлар устида жиддий ишлаган.

Жаноб Сарвари олам ҳадисларидан бирида: “Мендан бир ҳадис эшитиб, кейин уни айнан эшитганидек бошқа кишиларга етказган одамнинг юзини Аллоҳ таоло мунаввар қилсин”, дея марҳамат қилганлар.

Шукур Дадашнинг ушбу шеърий китоби турли ёшдаги инсонларнинг, айниқса, келажак воқисларимиз бўлган ёшларнинг қалбини ахлоқу одоб, маърифат, маънавият нурлари билан ёритишига ишончимиз комилдир.

*Убайдулла УВАТОВ,  
Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти  
раиси, тарих фанлари доктори, профессор*

## БИРИНЧИ ФАСЛА

### Дебоча

*Аллоҳнинг Расули Набий Муҳаммад  
Умматга қилдишлар кўплаб насиҳат:*

*– Бўлмайин десангиз ҳаётда муҳтож,  
Қуръони каримни билинг олий тож.*

*Суннатим амалин этсангиз адо,  
Йўлдан адашмайсиз, қилмайсиз хато.*

*Шу пандлар сизларга бўлсин-у мерос,  
Уларга қўйингиз бир умр ихлос.*

### Ота розилиғи

*(1-боб, 2-ҳадис)*

Абдуллоҳ ибн Умар (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди. У киши: “Аллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва Унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир”, дедилар.

*Рози бўлсин десанг гар сендан Худо,  
Жон бирла меҳринг эт падарга фидо.  
Зеро, отанг рози розидир Аллоҳ,  
Тангри ҳукми ота амрига ҳамроҳ.*



## Она меҳри

(2-боб, 3-ҳадис)

Муовия ибн Ҳайда (розияллоҳу анху) айтдиларки: “Ё Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?” деб сўрадим. “Онангга”, дедилар. Мен бу саволни уч марта қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Онангга”, деявердилар. Тўртинчи марта сўраганимда: “Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга”, дедилар.

*Сарвари оламга саҳоба бир кун  
Деди ҳасрат ила: “Бор дилда тугун,*

*Айтинг-чи, не қилсам қодир Аллоҳим  
Мендан ризо бўлиб кечар гуноҳим?*

*Не қилсам бир умр тинч бўлар виждон?  
Умрбод яшайман беғам, бенуқсон.*

*Не қилсам кексайгач, ёй бўлса қаддим,  
Беминнат мурувват этар фарзандим?”*

*Набий дер: “Жавобим шул эрур санга,  
Меҳринг бер онангга, мудом онангга, –*

*Дея сўзладилар уч бора такрор,  
Кимки амал қилса, асло бўлмас хор”.*

### Ҳикоят

Бир ўғил тонай деб  
Эл ичра савоб,  
Муқаддас Маккани  
Этмоқ-чун тавоф,  
Онасин этибди  
Ўзига ҳамроҳ.  
Етаклаб юрибди,  
Опицлабди гоҳ.  
Она истакларин  
Адо этибди.  
Довруғи эртакдек.  
Ҳар ён кетибди.  
Сафардан қайтганда  
Юртга берди ош,  
Мамнун бўлди ундан  
Ёту қариндош.  
Онаю болани  
Этиб зиёрат,  
Дедилар: Чин инсон –  
Экан зурриёт.  
Ўғил турар экан  
Гавдасин ростлаб,  
Ғурур-ла тоғага  
Қолди-ку сўзлаб:  
– Хўш, қалай, тоғажон,  
Қабулми фарзим?  
Энди узилгандир  
Фарзандлик қарзим?  
– Иш қилдинг хайрли,  
Этма ҳеч миннат.

Бурч маъноси ўзга,  
Бўлакдир хизмат.  
Она саховати  
Беқиёс кенгдир,  
Бор умринг унинг бир  
Кунига тенгдир.



**Ота-она ҳақин адо этиш ҳақида**

**(6-боб, 13-ҳадис)**

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос (розияллоху анху) айтадилар: «Бир киши Расулуллоҳ ҳузурларига ҳижрат қилмоқ учун байъат қилишга келди. Аммо ота-онаси унинг кетишига рози бўлмай, хафаликдан йиғлаб қолган эдилар. Шунда Расулуллоҳ: “Сен ҳозир ота-онанг олдига бор! Уларни қандай йиғлатган бўлсанг, худди шундай хурсанд қил”, дедилар».

*Ота-она ҳақин ким этса адо,  
Бир умр имондан бўлмайти жудо.*

*Бу ҳақда элда бор мўъжаз ривоят,  
Тингланг, сизга айлай уни ҳикоят.*

*Оилада якка, арзанда ўғлон,  
Ота-оналари қолса ҳам нолон,*

*Сафарга бормоқни қарор қилибди,  
Елкасига оғир хуржун илибди.*

*Дафъатан дилида қўзғаб диёнат,  
“Аввал Муҳаммадни этай зиёрат”,*

*Деб Набий гўшасин мўлжал олибди,  
Дилдаги ниятин тўкиб солибди.*

*Йигитга дедилар олам Сарвари:  
“Тез югур волиданг, падаринг сари.*

Ота-онанг ризосин олмасдан сира,  
Аларнинг кўнглини этдинг кўп хира.

Икковин рози қил, дилин этгил шод,  
Шунда бўлгай икки дунёнг ҳам обод”.



**Ота-онага оқ бўлиш хусусида**

*(7-боб, 15-ҳадис)*

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) айтдилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?” деб уч марта сўрадилар. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, айтиб беринг”, дейишди. “Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш”, дедилар. Расулуллоҳ шу вақтда ёнбошлаб ўтирган эдилар, кейин яхшилаб ўтириб олдилар-да: “Огоҳ бўлинглар! Шу катта гуноҳлардан бири ёлғон гапирмоқ, тухмат қилмоқдир”, дедилар. Шу охириги сўзларини шу қадар кўп такрорладиларки, мен ичимда Расулуллоҳ чарчадилар, энди гапларини тўхтатсалар ҳам бўларди”, дедим».

*Даврада уч бора Набий баногоҳ  
Дедилар: Эй дўстлар, энг катта гуноҳ*

*Замину фалакни эгасиз демоқ,  
Ягона Тангрига шерик келтирмоқ.*

*Отаю, онанинг дилин оғритмоқ,  
“Оқ қилдим” аталмиш жазони олмоқ.*

*Башарга рост дея ёлғон сўзламоқ,  
Тухмат тошин отиб дилни оғритмоқ.*

*Бундайин бандалар хор ҳар қадамда,  
Азобга йўлиққай у чин оламда.*

**Ота-она дуоси**  
**(17-боб, 32-ҳадис)**

Абу Хурайра (розияллоҳу анху) айтдилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси”, дедилар».

*Абу Хурайрадан бор бир ривоят:  
Агар дуо қилса уч тоифа зот,*

*Аларнинг дуоси ижобат бўлур,  
Бахт, омад косаси лиммо-лим тўлур.*

*Улар бири – мазлум, бири – мусофир,  
Ниятлари холис, ишлари зоҳир.*

*Учинчи тоифа – она, қиблагоҳ,  
Уларни алқаган ул қодир Аллоҳ.*

**Ҳикоят**

*Ривоят айламиш  
Бир доно роҳиб,  
Иззату икромга  
Экан муносиб.*

*Бажо этар экан  
Аллоҳ фарзини,  
Қиёматга қўймай  
Гуноҳ, қарзини.*

Ибодат этарди  
Саҳар ораста,  
“Ўғлим”, – деб чақирди  
Онаси аста.

Ўғил дарров сизди  
Онасин товшин,  
Лекин кўтармади  
Саждадан бошин.

Она уч бор айтди  
Фарзанд номини,  
Аммо ололмагач  
“Ҳа” каломини,

Ўша дам ўғилдан  
Ранжиди қалби,  
Норози сўзларни  
Пичирлаб лаби.

Дуога фаришта  
Бўлди шу чоқ ёр.  
Ўғил ҳаёти-чи,  
Кечди кўп душвор.



Тўрт амал  
(19-боб, 35-ҳадис)

Абу Усайд (розияллоҳу анҳу) хикоя қилади: «Биз Расулуллоҳ ҳузурларида эдик, шу вақтда бир киши: “Ё Расулуллоҳ, ота-онам ҳаёт вақтларида қилган яхшиликларимдан ташқари, уларнинг вафотидан кейин яна нима қилсам шу яхши-лигим давом этади?” деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Тўртта нарсани қилиб юрсанг, уларга қиладиган яхшилигинг давом этаверган бўлади. Уларнинг бири – ота-онанг ҳақиға дуо қиласан ва гуноҳларини кечирिशини Аллоҳ таолодан сўрайсан. Иккинчи – уларнинг насиҳат ва шаръий васиятларини амалга оширасан. Учинчи, уларнинг дўстларини ҳурматлайсан. Тўртинчи, улар туфайли қарор топган қариндошлик алоқаларини узмайсан”, дедилар».

*Бир саҳоба деди: “Расули акрам,  
Вафот этиб кетди ота ва онам.*

*Ҳаётлик даврида улар дунёда  
Дуо олдим, омад бўлди зиёда.*

*Не қилсам эзгулик давом этади,  
Уларга савоблар бориб этади?”*

*Шунда жавоб берди Тангри Расули:  
– Эй саҳо Султони – Аллоҳнинг қули,*


Хайрли жумбоқни этмоқ бўлсанг ҳал,  
Ушбу тўрт ҳикматга қилгайсан амал:

Улар васиятин ҳар дам эт бажо,  
Ҳамда Яратганга қилиб илтижо,

Гуноҳларин сўра, этсин мағфират,  
Бўлган бўлса улар феълида иллат.

Отанг хотирасин доим этиб ёд,  
Дўстларин ҳурмат қил, руҳи бўлсин шод.

Қондошлик риштасин умрбод боғла,  
Силаи раҳм-ла дилингни чоғла.



**Ота-онанинг яқинлари олдидаги  
фарзандлик бурчи  
(21-боб, 42-ҳадис)**

Саъд ибн Убода Зурақий отасидан ривоят қилади: «Мен ҳазрат Усмоннинг ўғиллари Амр билан Мадина масжидида ўтирган эдим. Шу вақтда Абдуллоҳ ибн Салом ўз укасининг ўғлига суяниб, олдимиздан ўтди, сўнг орқасига қайрилди-да, Амрга қараб: “Эй Амр, майли, сен истаганингни қилавер, Муҳаммад (алайҳиссалом)ни пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ таоло номи билан қасамёд этаманки, Аллоҳнинг китобида (бу сўзни икки марта қайтарди): “Отангга яқин бўлган кишидан алоқани узма, агар узсанг, нуринг ўчади”, дейилган», деб айтди.

**Ҳикоят**

*Ота дуосига бўлиб мушарраф,  
Бир ўғил топибди эл ичра шараф.*

*Ўйлаган режаси бажо бўлибди,  
Сокин ҳаётидан кўнгли тўлибди.*

*Ҳар тонгда отасин руҳин этиб шод,  
Жойнамоз устида этар экан ёд.*

*Аммо йиллар ўтгач кетиб омади,  
Ёй шаклин олибди алиф қомати.*

Фаҳми етмас эди бу сирли ишга,  
Бир кеч қиблагоҳи кирибди тушга.

Падар маъюс эди, боқмасди қиё,  
Араз, фироқ қилган кишидек гўё.


Талпинди отага – аҳвол сўрашга,  
Аммо оёқлари қўймас юришга.

Сўзлай деса йўқмиш товуши, сўзи  
Шунда ота дебди: “Эй меҳрим кўзи,

Икки дунёмда ҳам шод этдинг мени,  
Лек ғафлат қопламиш негадир сени.

Нуринг ўчирмасин десанг гар Аллоҳ,  
Дўсту қондошимдан бўл доим огоҳ.

Дўстликни сақлагин, узилмасин тор  
Иншоаллоҳ, кўрмас дилинг ҳеч озор.



Севги, дўстлик ҳақида  
(22-боб, 43-ҳадис)

Абу Бакр ибн Ҳазм бир саҳобийдан ривоят қилдилар. У саҳобий: «Расулуллоҳнинг: “Севги, дўстлик албатта мерос бўлиб наслдан наслга ўтади”, деган ҳадисларини ривоят қилиб берсам, сенга етарли насиҳат қилган бўламан», дедилар.

Абу Бакр Ҳазмга саҳобий бир кун  
Деди: «Ҳазрат Набий лутф ила сокин

Улуғ неъмат – дўстлик, севги ҳақида  
Айтдилар шундайин ҳикмат – ақида:

“Севги, дўстлик улуғ неъматларга хос  
Наслдан наслга ўтгувчи мерос.

Қай банда қалбига бу хислат ёрди,  
Икки дунё унга мукофот бордир».



**Силаи раҳм**  
*(26-боб, 49-ҳадис)*

Абу Айюб Ансорий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сафарларининг бирида бир аъробий у зотга келиб: “Мени жаннатга яқин ва дўзахдан узоқ қиладиган амалларни айтиб беринг!” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қиласан, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайсан, Аллоҳ буюрган намозларни вақтида адо қиласан, молингдан закот берасан ва силаи раҳм қиласан”, дедилар».

*Бир суҳбат чоғида аъробий башар  
Деди: “Саволим бор сизга, эй Сарвар.  
Жаннатларга яқин, дўзахдан узоқ –  
Этгувчи қандайин амал бор, айтинг?!”  
– Аллоҳ ягона деб, имон ила боқ,  
Беши маҳал намозга тўлсин қалб байтинг.  
Силаи раҳм қил, бўлгин меҳрибон,  
Молингдан закот бер, топгайсан омон.*



**Яхшиликни қилгил зиёда**

*(30-боб, 60-ҳадис)*

Микдом ибн Маъди Кариб (розияллоху анху)-дан ривоят қилинди. У киши Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)дан эшитдилар: “Аллоҳ таоло сизларга оналарингизга яхшилик қилишни буюрди”. Бу сўзни Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) уч марта такрор қилдилар. Кейин: “Оталарингизга ва ундан кейин яқинроқ бўлган қариндошларингизга ҳам яхшилик қилишни буюрди”, дедилар.

*Эзгулик йўлига отландинг, фарзанд,  
Бу ҳақда Расулдан бор энг гўзал панд.*

*Аввал яхшилик қил онанг, отангга.  
Сўнг оғайни, тоға, амма, холангга.*

*Сўнг сендан манфаат топсин бегона,  
Мақтанма, мурувват бўлсин хуфёна.*



## Қизлар тарбияси – жаннат ҳадяси

(41-боб, 77, 78-ҳадислар)

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси мусулмон кишининг иккита қизи бўлиб, уларни яхши ахлоқ, яхши муомала билан тарбия қилса, қизлари албатта унинг жаннатга киришига сабабчи бўладилар”, дедилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ: “Кимнинг учта қизи бўлиб, уларни ўз қўлида тарбиялаб, катта қилса ва уларга марҳамат назари билан қараса, жаннатга кириши албатта муқаррардир”, дедилар. Шунда бир киши: “Ё Расулуллоҳ! Унинг қизи иккита бўлса-чи?” деб сўради. Расулуллоҳ: “Иккита бўлса ҳам”, дедилар».

*Топай десанг агар жаннатдан макон,  
Тангри берур сенга беқиёс имкон.*

*Қошингда ўсмоқда икки қиз фарзанд,  
Бокира, оқила, қалбингга пайванд.*

*Кўрсатиб уларга ҳиммат, ҳамият,  
Яхши ахлоқ ила қилгил тарбият.*

*Тайёрла муслима бекалик учун,  
Бажармоқ қасдида оталик бурчин.*

*Шунда орзуларинг ижобат бўлар,  
Тангридан энг олий мукофот бўлар.*



### Эҳсоннинг улуғи...

(43-боб, 80-ҳадис)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Су-роқа ибн Молик ибн Жуъшум (розияллоҳу анху)-дан: “Сенга садақа – эҳсонларнинг энг каттасини айтиб берайми?” деб сўрадилар. Суроқа: “Ё Расулуллоҳ, айтиб беринг!” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эридан чиқиб, сеникига қайтиб келган ва сендан бўлак қаровчиси бўлмаган қизингга қиладиган хайр-эҳсонинг эҳсонларнинг энг каттасидир”, дедилар.

*Расулуллоҳ:*

– Исломда энг катта эҳсон, садақа – Нимадир, сўзлайми сенга, Суроқа?

*Суроқа:*

– Сўзлаб беринг менга, ё Расулуллоҳ, Бу ҳикматдан бўлай камина огоҳ.

*Расулуллоҳ:*

– Дейлик, келса қизинг эридан қайтиб Уйингда турмоққа ижозат кутиб.

Шунда ожизага кўрсатиб ҳиммат,  
Айласанг ёлғизга меҳр-мурувват,

Мана шу эҳсоннинг эрур каттаси,  
Эҳсон қилганларнинг ёрқин эртаси.

### Ҳикоят

Бир уйнинг бекаси гўзал, ёш келин,  
Хонадон аҳлининг шод этиб кўнглин,

Эр икков бахтиёр яшашар эди,  
Ҳалол насибасин ошашар эди.

Йигит эди чўпон – куни яйловда,  
Гоҳо тоғ-тошларда юрарди овда.

Бир куни йигитнинг тўлди паймони,  
Чўққидан қулади – узилди жони.

Бева сабр этибди Аллоҳ ишига,  
Яқун ясалса-да, гул турмушига.

Йил ўтгач, тушди-ку йўлга у нолон,  
Бағрингга олгин деб, ота хонадон.

Очиқ чеҳра билан ота ва она  
Қалби яро қизга бўлди парвона.

Чора излашди сўнг кўнглин овлашга,  
Дедилар: “Тўлмасин кўзлари ёшга”.

Бева аёл қолмай ҳаётда якка,  
Қалбини боғлади бир соф юракка.

Қиссадан ҳисса шул сўзласак аста:  
Эй аҳли мўминлар, бўлинг ҳавасда

Жувоннинг падари ҳам онасига  
Хайр-эҳсон этдилар тул боласига.

Бу эҳсон эҳсонлар буюғи эрур,  
Эр-хотин беҳиштнинг суюғи бўлур”.

**Ибратли панд**  
**(51-боб, 93-ҳадис)**

Башир ибн Саъд (розияллоҳу анҳу) ўз ўғли Нўмон ибн Баширни кўтариб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келдида: “Ё Расулуллоҳ! Мен шу ўғлим Нўмонга фалон-фалон нарсаларни бердим, сиз шунга гувоҳ бўлинг”, деди. Шунда Расулуллоҳ: “Ҳамма болаларингга ҳам шундай нарсаларни бердингми?” деб сўрадилар. Башир: “Йўқ, фақат Нўмоннинг ўзигагина бердим”, деган эди, Расулуллоҳ: “Ундай қилган бўлсанг, мен бунга гувоҳ бўла олмайман, бошқа одамларни гувоҳ қил!” дедилар. Кейин: “Фарзандларингнинг ҳаммаси сенга бир хилда яхшилик қилишларини хоҳлайсанми?” дедилар. У киши: “Албатта шундай бўлишларини хоҳлайман”, деган эди, Расулуллоҳ: “Ундай бўлса, Нўмоннинг ўзигагина бериб, бошқаларни маҳрум қилишинг дуруст эмас”, дедилар.

*Ҳаётда кўрмайин десанг ғам-алам,  
Ўғил-қизларингга қилгил тенг карам.  
Бирини кам кўрсанг, бирини ортиқ,  
Ўзингга қайтади шундайин “тортиқ”.*

### Қўшнилар ҳақида

*(55-боб, 102-, 61-боб, 111-, 64-боб, 115-ҳадислар)*

Абу Шурайҳ ал-Хузойй (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ: “Ким Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, меҳмонини иззат-икром қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, яхши, ширин сўзли бўлсин. Агар айтадиган яхши сўзи бўлмаса, гапиришдан тилини тийсин”, дедилар».

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу)га: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: “Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч ҳолда ўтирган бўлса, у киши (комил) мўмин эмасдир”, деганларини эшитдим», деди.

Нофеъ ибн Абдулҳорис (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ: “Кенг турар жой, солиҳ қўшни ва ювош улов бўлиши мусулмон кишининг саодатидир”, дедилар».

*Ёру биродарга этиб марҳамат  
Суҳбатда дедилар Расули ҳазрат:*

*– Эл ичра топайин десангиз ҳурмат,  
Қўни-қўшниларга кўрсатинг иззат.*

*Қўшнилик ҳақида этинг риоя,  
Яхшилик қилинган билмай кифоя.*

Юз кўргач, шошилинг беришга салом,  
Очиқ чехра бўлинг ва ширин калом.

Айтишга яхши сўз бўлмаса агар  
Тилингизни тийинг, бўлманг дилозор.

Қўшни аҳволидан бўлинг хабардор,  
Сиз еган таомда унинг ҳақи бор.

Зеро, сиз тўқ бўлиб, ул ҳамсоянгиз  
Оч бўлса, комиллик эмас ғоянгиз...

Девор-дармиёнинг солиҳ бўлса гар,  
Бўларсан толега, бахтга муяссар.

Кимда-ким қўшнига қилса ёмонлик,  
Икки дунёда ҳам кўрмас омонлик.



## Етим болаларга мурувват кўрсатиш

(73-боб, 130, 75-боб, 132, 78-боб, 140-ҳадислар)

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилди: «Расулуллоҳ: “Бева хотинлар ва мискинларга (ёрдам қилиш) учун ҳаракат этувчи киши Аллоҳ таоло йўлида жиҳод қилувчилар ва кундузи рўзадор, кечаси ибодат билан машғул бўладиган кишилардек савобга эгадир”».

Мурра Фихрий (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилди: «Расулуллоҳ: “Етим боланинг тарбиясини ўз зиммасига олган киши жаннатда мен билан шундай яқин бўлади”, деб ўрта бармоқлари билан иккинчи бармоқларини кўрсатдилар.

Авф ибн Молик Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: “Эридан бева қолиб, болаларни тарбия қилишда сабр этган ва (турли машаққатларга учраганидан) юзи қорайиб кетган хотин билан жаннатда шундай бўламиз”, деб икки бармоқларини бир-бирига жипс қилиб кўрсатдилар”.

*Улуғ хулқ соҳиби буюк Муҳаммад  
Ним кулиб дедилар: “Тингланг, эй уммат.*

*Айтай ҳикмат, ҳар ким қалбига илсин,  
Яхшилик кетидан яхшилик қилсин.*

*Бева аёл бирла чорасиз мискин –  
Кўлига нон бермоқ, дилига таскин...*

Жиҳод қилган билан баробар бу иш,  
Ибодат, рўзадек савоб бу юмуш.

Сағир бошин силаб қилсанг тарбият,  
Топурсан ажрини Аллоҳдан албат.

Олурсан мукофот Маҳшар чоғида –  
Менга яқин бўлиб жаннат боғида.

Отасиз етимни ўстирган аёл  
Беҳишт боғларида кўрсатур жамол”.



## Ҳар бир яхши иш садақадур

(115-боб, 223-ҳадис)


Жобир ибн Абдуллоҳ (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир яхши иш садақа бўлади”, дедилар».

*Қўлинг калта бўлиб топмайин имкон,  
Ҳиммат қилолмасанг этмагил армон.*

*Тил, қўл-ла бермасанг бировга озор,  
Бу ҳам эзгуликка бўлур баробар.*

*Яхшилик йўлида қилинган ҳар иш  
Садақа номланур, даф бўлур ташвиш.*

*Ёмонлик қилишдан ўзингни сақла,  
Мўминлик бурчингни амалда оқла.*





**Мусулмон – ўз биродари кўзгуси**  
*(120-боб, 237, 238-ҳадислар)*

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Ҳар бир мўмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бир айбни кўрса, уни тузатади”.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: «Расулуллоҳ: “Мўмин ўз биродарининг кўзгуси, ҳар бир мўмин иккинчи мўминнинг биродари – акаси ё укасидир, уни зое бўлишдан сақлайди ва ҳимоя қилади”, дедилар».

*Муслимлар кўзгудур бири бирига,  
Биродарин айбин кўрганда яққол,  
Зехн солиб ўз феъл-атворида,  
Камчилик, айбини йўқотар дарҳол.*

*Ҳар муслим кўзгудир дўсту ёрига,  
Бирига укадур, бирига ака.  
Ярайди бир-бирин йўғу борида,  
Ҳар ишда туришар елкама-елка.*



## Кишилар ўртасидаги ўзаро муҳаббат .


(131-боб, 260-ҳадис)

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Расулуллоҳ: “Менинг жоним измида бўлган Зот билан қасамёд қиламан, сизлар комил мусулмон бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсиз. Комил мусулмон бўлишингиз учун бир-бирларингизга муҳаббат қўймогингиз шарт. Ўрталарингизда муҳаббат пайдо бўлиши учун саломни ошкора берингиз. Қаттиқ ёмон кўришдан сақланингиз, чунки у тарашлагувчидир. У сочни тарашламайди, балки динни тарашлайди”, дедилар».

*Ким ўзин санаса комил мусулмон,  
Дўсту биродарга бўлсин меҳрибон.*

*Бир-бирига дилдан муҳаббат қўйсин,  
Саломни бурч билсин, жаҳлни тийсин.*

*Зеро, жаҳл ғаму зулмга бошлар,  
Қалбдан дин, имонни сочдек тарашлар.*



**Кўнгил сахийлиги ҳақида  
(136-боб, 276-280-ҳадислар)**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилди: «Расулуллоҳ: “Бойлик молнинг кўплиги эмас, балки (чин) бойлик нафснинг тўқлигидир”, деганлар».

Абдуллоҳ ибн Зубайр айтадилар: “Мен Абу Бакр Сиддиқнинг икки қизлари – Ҳазрат Ойша ва Ҳазрат Асмодан кўра сахийроқ хотинларни кўрмадим. Лекин буларнинг саховати икки хил эди. Ҳазрат Ойша эҳсон қилиш учун нарсаларни йиғиб-йиғиб борардилар-да, улар кўпайгандан кейин бирйўла ҳаммасини фақир-мискинларга улашар эдилар. Аммо Асмо эса қўлларига нима келса, эртасини кутмай, шу куннинг ўзидаёқ тарқатиб юбораверар эдилар”.

*Абу Бакр Сиддиққа эдилар дилбанд  
Ойша, ҳазрат Асмо – икки қиз фарзанд.*

*Сахийлик бобида бўлдилар илғор,  
Эзгулик йўлида молу жон нисор.*

*Ҳар куни бир эҳсон беришар эди,  
Бу билан савобга эришар эди.*

*“Мол-давлат кўплиги саналмас бойлик,  
Нафснинг бойлиги беҳад чиройлик”, –*

*Ҳадиси яшарди улар жонида,  
Инсофу диёнат дарё қонида.*

**Дин ҳақида**  
**(138-боб, 287-ҳадис)**


Абдуллоҳ ибн Аббос (розиаллоҳу анҳу) айтдилар: “Динларнинг қайси бири Аллоҳ таолога севимлироқ?” деб сўралганда, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Яхшилик томонга юзланган ва инсон учун енгил бўлган диндир”, дедилар».

*Абдуллоҳ ибн Аббос бердилар сўроқ:  
– Аллоҳга қайси дин, айтинг, яхшироқ?*

*Шунда Расулуллоҳ этдилар хитоб  
“Тингла, эй саҳобам, сенга шу жавоб:*

*– Яхшилик томонга доим юзланган,  
Инсон учун енгил бўлмоқ кўзланган*

*Динни улуғлайди карамли Худо,  
Унга бўлсин чексиз ҳамд ила сано”.*



Оила бойлиги  
(140-боб, 300-ҳадис)

Убайдуллоҳ ибн Миҳсан Ансорий (розияллоҳу анҳу) айтади: «Расулуллоҳ: (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимки ўз оиласи ичида тинч, тани соғ бўлиб уйғонса ва олдида шу кунига етарли таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё берилган ҳисобланади”, дедилар».

*Оиланг тинч бўлса, тан-жон саломат,  
Демакки, боқибди сенга бахт, омад.*

*Бир кунга таомдан ғаминг йўқ бўлса,  
Завжанг, оилангдан кўнглинг тўқ бўлса,*

*Шукр қил, бу сенга берилган дунё,  
Демакки, сенда йўқ ҳеч бир муаммо.*



**Мўмин банда одамларни лаънатламайди**  
*(144-боб, 309-315-ҳадислар)*

Солим ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади. У киши: “Мен отам Абдуллоҳ ибн Умарнинг кишиларгагина эмас, ҳатто бошқа махлуқларга ҳам лаънат айтганларини сира эшитмадим”, дедилар. Солим ўзлари: «Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умар Расулуллоҳнинг: “Мўмин киши асло лаънат этувчи бўлмаслиги лозим”, деган муборак ҳадисларини ривоят қилардилар», деди.

Абу Жобир Киндий Куфийдан ривоят қилинади, у киши: «Мен Ҳазрат Али ибн Абу Толибнинг: “Кишиларга лаънат этгувчиларнинг ўзларига Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин”, деганларини эшитдим», деди.

*Мўмин банда лаънат этувчи бўлмас,  
Ёмон сўзлаб дилга тегувчи бўлмас.*

*“Ас сому алайкум”\* дегувчи бўлмас,  
Бировлар ҳақини егувчи бўлмас.*

*Мунофиқ сўзига ишонманг асло,  
Унга эш бўлсангиз йўлиқур бало.*

*Кимда ким бировга тиласа лаънат,  
Қарғиши ўзига тегади албат.*

\* Тарихда Ясриб яхудийларининг “Сизга ўлим бўлсин”, дегани.

**Олий хислат**  
*(162-боб, 353-ҳадис)*

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ: “Кимки ёши кичикларимизга раҳмдил бўлмаса ва катталаримизнинг ҳақини билмаса, у одам биздан эмас”, дедилар».

*Кичикка шафқату каттага ҳурмат –  
Инсон қалбидаги олий фазилат.*

*Муҳаммад дедилар: Шундайин ҳиммат  
Кимда йўқ – у бизга эмасдур уммат.*



**Макр ва алдов ҳақида**  
*(195-боб, 418-ҳадис)*

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) айтдилар:  
«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):  
“Мўмин банда содда ва саховатли, мунофиқ эса  
маккор ва пасткаш бўлади”, дедилар».

*Мўмин – саховатли, соддадил инсон,  
Борин тўкиб сочар бўлганда имкон.*

*Иккиюзламачи, иблис мунофиқ,  
Маккор, хасис, пасткаш ғазабга лойиқ.*





### **Беморга каффорат...**

*(226-боб, 498-ҳадис)*

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бир мусулмон кишига оғриқ ёки бетоблик етса (касалликка учраса), ҳатто бирор ерига тикан санчилса ёки бирор қийинчиликка учраса, бу ишлар унинг гуноҳларига каффорат бўлади”, дедилар».

*Дард ўртаб, берганда жонингга озор,  
Сабр этгин, бу ишда ажиб ҳикмат бор.*

*Балки жисмингдаги оғриқ, озоринг  
Каффорат ювиш-чун гуноҳ, бад коринг...*



Тўрт улуғ фазилат  
(232-боб, 515-ҳадис)

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди, у киши: «Бир куни Расулуллоҳ: “Ким бугун рўзадор бўлиб тонг оттирди?” деб саҳобалардан сўраганларида, Абу Бакр Сиддик: “Мен”, дедилар.

Расулуллоҳ: “Сизлардан қайси бирингиз бугун бир беморни бориб кўрди?” дедилар. Абу Бакр Сиддик: “Мен”, дедилар.

Расулуллоҳ яна: “Қайси бирингиз бирор кишига жаноза ўқишда ҳозир бўлдингиз?” деб сўраганларида ҳам Абу Бакр Сиддик: “Мен”, дедилар.

Расулуллоҳ: “Қайси бирингиз бирорта мискинга таом берди?” деганларида ҳам Абу Бакр Сиддик: “Мен”, деб жавоб бердилар.

Бу ҳадис ровийларидан Марвон деган киши: «Расулуллоҳнинг: “Мана шу хислатлар кимда бир кунда жам бўлган бўлса, албатта, жаннатга киради”, деганларини мен ҳам эшитганман», дедилар.

*Муҳтарам Муҳаммад қилдилар хитоб:  
– Қани, асҳобларим, айласак ҳисоб,*

*Қандай ўтди бу кун – умр парчаси,  
Қанчаси бесамар, савоб қанчаси?*

*Ким бугун саҳарда бўлди рўзадор,  
Кимдан хушнуд бўлди бемажол бемор.*

*Ким бир жанозада ҳозир бўлолди,  
Ким фақир, мискинга таом беролди?*

*Ушбу тўрт фазилат кимда бўлса жам,  
Билингки, узоқдир унга жаҳаннам.*



**Такаббурлик**  
*(248-боб, 549-ҳадис)*

Абдуллоҳ ибн Умар (розиаллоҳу анҳу) Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилдилар: “Ким ўзини бошқалардан катта олса ёки юриш-туришида кибрланиб юрса, қиёмат куни Аллоҳ азза ва жалла унга ғазаб назари билан қарайди”.

*Бир ҳаёт ҳадисин айлайин баён:  
Ким ўзин шер билса, ўзгани қуён,*

*Виқор-ла гердайиб қоши сузилса,  
Кибрдан қондошлик ипи узилса,*

*Ҳақни ноҳақ деса, чин сўзни ёлғон,  
Ўзидан бошқани билмаса инсон,*

*У такаббур шахсдир, иблис “боласи”,  
Асло оқармайди унинг косаси.*

*Унга жаноб Набий баҳоси бордир:  
“Унга Ҳақ ғазаби – балоси бор”.*

**Тажриба ҳақида**  
*(251-боб, 565-ҳадис)*

Абу Саид Худрий айтадилар: “Киши қоқилмай, тоймай туриб мулойим бўла олмайди, тажрибасиз киши ҳақим – доно бўла олмайди”.

*Ҳар киши қоқилмай, тоймасдан асло  
Бўлолмас одобу ақлда расо.*

*Бошдан яхши-ёмон ўтказмай ҳар ким  
Олим бўла олмас ва ёки ҳақим.*



Гуноҳнинг жазоси ҳақида  
(264-боб, 591-ҳадис)

Баккор ибн Абдулазизнинг боболари Абдуллоҳ ибн Абу Бакрдан ривоят қилинди, у киши айтдилар: «Расули Худо: “Аллоҳ таоло ҳар бир гуноҳнинг жазосини истаса, қиёмат кунига қолдиради, аммо зулм қилиш, ота-онага оқ бўлиш, қариндошликни узиш гуноҳининг жазосини ўлишдан илгари шу дунёнинг ўзидаёқ кўрсатади”, дейдилар».

*Бир ҳикмат айтдилар Расули Худо:  
“Ҳар гуноҳ жазосин Аллоҳ таоло*

*Истаса, қиёмат кунга қолдирар,  
Лек ёруғ дунёда жазо муқаррар.*

*Зулмкор, оқпадар номин олса гар,  
Жазоси тайиндир келмасдан ажал*

*Ва қондошлик ипин узган бўлса ким,  
У ҳам шу жазога шубҳасиз маҳкум.*

Ҳадя ҳақида  
(265-боб, 594-ҳадис)

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ: “Бир-бирларингизга ҳадялар беринглар, шунда ораларингизда муҳаббат пайдо бўлади”, дедилар».

*Содиқ саҳобалар бўлганида жам  
Лутф айладилар Расули акрам:*

*“Ҳадя беринг бир-бирингизга, зеро,  
Орангизда бўлур муҳаббат пайдо.”*

2014 йил, декабрь



## ИККИНЧИ ФАСЛ

### Буюк хулқ соҳиби

*(Ҳазрат Ойша ва саҳобалар эътирофи)*

У башарлар улуғи, Сарвари олам,  
Пайғамбар пойига зор эди диллар.  
Буюк зот рухсорин бир бор кўрмоқни  
Савоб деб биларди азалдан эллар.

Ул Набийга имкон эди сарҳадсиз,  
Неники истаса, бари муҳайё.  
Хукм-фатволари – ўзгармас қонун,  
Изидан қуварди шуҳрат, мол-дунё.

Лек уммат ғамида ўтдилар сокин,  
Қалб қўрин улашиб ҳар бир инсонга.  
На юмшоқ бир болиш кўрди азиз бош,  
Қорин тўймай ҳатто бир арпа нонга.

\* \* \*

Ахлоқу одобда эдилар ибрат  
Ул Набий Муҳаммад олий зот, ҳазрат.

Ҳатто мурғакни ҳам сизлар эдилар,  
Кўнгил олиш йўлин излар эдилар.

Хоҳ саҳоба бўлсин, завжа ёхуд қиз,  
Буйруқ бермадилар бир умр ҳаргиз.

\* \* \*

Аллоҳнинг суюги ул Расулуллоҳ  
Уч нарса касридан этарди огоҳ:



Бири – ўз-ўзини кўп улуғламоқ,  
Иккинчи – жанжалдан гуноҳга ботмоқ.

Учинчи – кўп сўзлаш, бемаза лутф,  
Шу учта одатга солганлар қулф.

\* \* \*

Саййиди сарвари жумлаи жаҳон  
Бировда кўрсалар бирон-бир нуқсон,

Мулойим бир боқиб унинг юзига,  
Айбин айтмасдилар хослаб ўзига.

Ҳеч кимни “у-бу” деб сўйламасдилар,  
Айбини топмоқни кўзламасдилар.

Гуноҳ яқинига бормасдилар ҳеч,  
Ёмон сўзни тилга олмасдилар ҳеч.

\* \* \*

Шукр айтиб яшар эдилар ночор,  
Лек “уф”демадилар ҳаттоки бир бор.

Синовларга қилиб сабр ила бардош,  
Саховат бобида эдилар қуёш.

Ғарибу етимга этсалар эҳсон,  
Бойлар лабин тишлаб қоларди ҳайрон.

\* \* \*

Ипакдек мулойим эди сўзлари,  
Меҳрдан порларди доим кўзлари.

Ё аҳли аёлдир, ёхуд хизматкор,  
Ҳеч бермас эдилар дилига озор.

\* \* \*

Хадича айтдилар: “Набий муҳтарам,  
Бироз ором олинг, осуда сиз ҳам”.

Ҳазрати Муҳаммад дедилар шу он:  
“Дунёда мен учун тўрт нарса ёмон,

Кўрқоқлик, танбаллик, хасислик ҳамда  
Нопоклик бўлса гар дилда ва танда.

Шулардан бўламан доимо узоқ,  
Улардан асрасин Яратган Аллоҳ”.

\* \* \*

Ўлим лаҳзалари яқин қолган тоб  
Ойша онамизга этдилар хитоб:

“Мулкимда қолгандир етти динор пул,  
Садақа қилинглар, дуо этсин қул.

Зарур улуш олинг, яна қолса мол,  
Тарқатинг муҳтожга – келмасин малол.

Қолмасин бисотда мулкимдан зарра”, –  
Дея уқтирдилар Набий уч карра.

2014 йил, декабрь

## УЧИНЧИ ФАСЛ

### ПАНДНОМА

(Тўртликлар ва фардлар)

Қуръон бўлмаганда, бўлмасди муслим,  
Жаннатий ким, дўзахий, бандага тилсим.  
Поклик йўлин танла фоний дунёда,  
Сенга насиб этур сирот мустақим.

\* \* \*

Ислом қурол эмас ёхуд сиёсат,  
Яхшиликка бизни йўллайди фақат.  
Шиори – яхшилик, тўғрилик, поклик,  
Шунга даъват этар ҳар битта оят.

\* \* \*

Ифвогар, чақимчи насли шайтондир,  
Фисқу фасод, бузғун ишларга кондир.  
Нияти бузуқдир, забони захар,  
Ҳар мўмин этади ул касдан ҳазар.

\* \* \*

Ўзингга мақтаниб бермагил баҳо,  
Хислатинг маълумдир Холиққа танҳо.  
Мўминлар, ҳар касни сиз ҳам мақтаманг,  
Ким яхши, ким ёмон – Ҳақ билур аъло.

\* \* \*

Тўплаган зар, гавҳаринг  
бахтинг тожи бўлолмас,  
Кўз ёшларинг гуноҳинг  
тўлов божи бўлолмас,  
Ҳар неки вожиб бўлди  
танҳо Аллоҳ ҳукми-ла,  
Сафар қилгани билан  
ҳар ким ҳожи бўлолмас.

\* \* \*

Шубҳаю ҳадикни солма дилиннга,  
Ифводан узоқ юр, олма тилиннга.  
Тўғри бос қадаминг покиза жойда,  
Ибрат истаб боққил ўнгу сўлиннга.

\* \* \*

Дунёга келганда эдик яланғоч,  
Шу ҳолда кетурмиз боқий оламга.  
Мол-дунё безамас охиратингни,  
Фақат имон, инсоф ҳамроҳ одамга.

\* \* \*

Лаҳзали лаззат деб ғафлат қотамиз,  
Сўнг аччиқ мевасин бир-бир тотамиз.  
Барча гуноҳимиз тўнкаб лаинга,  
Лаънатлаб яшаймиз, тошлар отамиз.

\* \* \*

“Сабр Раҳмондандир, ғаними – шайтон”,  
Улуғ боболардан қолган бу нақл.  
Хушёр тут ўзингни, эй буюк инсон,  
Ҳеч тобе бўлмасин иблисга ақл.

\* \* \*

Агар чекмай десанг афсус-надомат,  
Вафо қилсин десанг тириклик, омад,  
Аллоҳ берсин десанг умримга тўзим,  
Хунар илкин маҳкам ушлагин, ўғлим.

\* \* \*

Чорасиз бир гадога “ё тавба”, дедим,  
Манман деган даҳога “ё тавба”, дедим.  
Даҳо – гадо, гадо бой бўлгач, э воҳ,  
Тангри берган баҳога “ё тавба”, дедим.

\* \* \*

Дунё синов экан, синов ҳаёт ҳам,  
Ўлчов экан ҳар дам, қўйилган қадам.  
Синов талаби бу – поклик, эзгулик,  
Шуни ўтамоққа яралган одам.

\* \* \*

Тилинг ширин бўлса, қўлинг меҳрибон,  
Булардан кўрмаса ҳеч кимса зиён,  
Шунда аталурсан ҳақиқий инсон,  
Таъзимда бўлади жумлаи жаҳон.

\* \* \*

Асл бойлик – кўзи тўқлик, қаноатда,  
Яхшиликдир самимийлик, саховатда.  
Бахт калити – ҳалоллигу илм, ҳунар,  
Нафс тиймоқ яшамоқдир фароғатда.

\* \* \*

Нодон, жоҳил билан тортишманг асло,  
У сизни енгиши эмас асло сир.  
Фозиллар нақли бор: “Нозик гавҳарни  
Тош билан урсангиз синади ахир”.

\* \* \*

Гоҳ дард чулғаганда вужудим, таним,  
Хаёллар ҳар кўйга боиласа бебош,  
Ғойибдан сас келар: “Тушун, эй банда,  
Умр – бу мисоли киприкдаги ёш”.

\* \* \*

Тақдир қазосидан қолмайди омон  
Бу фоний дунёда яхшию ёмон.  
Гар шуни билсак-да бўламиз ҳамон  
Биримиз камон ўқ, биримиз нишон.

\* \* \*

Меҳнатинг, заҳматинг, пандларинг бекор,  
Юракдан ўчмаса ҳасад, хиёнат.  
Меҳр ва оқибат қолур луғатда  
Қалбингда бўлмаса инсоф, диёнат.

\* \* \*

Дунёга ҳирс қўйма, қўймагил ихлос,  
Англагил, бу иллат Фиръавнга хос.  
Илму ҳунар изла, зеро, бизларга  
Набий – Муҳаммаддан қолган бу мерос.

\* \* \*

Тан сиҳат даврида ғурур-ла дилга  
Шайтоний ҳисларни қамраб оламиз.  
Забт этгач хасталик бирор мучамиз,  
Тавба деб Раҳмонни излаб қоламиз.

\* \* \*

Ғурурдан топмаган ҳеч ким яхшилик,  
Панд берар ҳар қадам, ҳар бир юмушда.  
Тарихдан сабоқ ол, кибр қилган он  
Шайтон номин олди ҳатто фаришта.

\* \* \*

Шерни мағлуб этган ботирмас асло,  
Ким нафсин енголса марддир бехато.  
Ибрат ол: шайтони ва нафси алдаб,  
Жаннатдан қувилди ул Одам Ато.

\* \* \*

Эзгулик қилдим деб керилма чунон,  
Эл ичра эрк берма тилу сўзингга.  
Фикр қил, бу билан, эй ғофил инсон,  
Яхшилик айладинг аввал ўзингга.

\* \* \*

Ҳар ким ўз қадрин билса, бир умр хор  
бўлмағай,  
Нафсу забонин тийса, дилда озор бўлмағай.  
“Даст ба кору дил ба Ёр” бўлса ҳар ким шиори,  
Ундай зотлар кўзига бу дунё тор бўлмағай.





## ФАРДЛАР

Тут ҳалоллик йўриғин, дилда мангу қоласан,  
Эксанг макр уруғин ғам ҳосилин оласан.

\* \* \*

Тилда вағда бердинг, дилда эт исбот.  
Шунда саналурсан чин одамий зот.

\* \* \*

Агар муслим билса ўзин ҳар киши,  
Яхши ният бирла бўлсин ҳар иши.

\* \* \*

Энг олий ибодат савобин олмоқ –  
Имонли қалбларга хурсандлик солмоқ.

\* \* \*

“Ўқи, ўқи, ўқи!” бўлсин шиоринг,  
Илмдан баҳраманд эт эл ва диёринг.

\* \* \*

Текин ошу нонни этма ихтиёр,  
Емоқнинг, билгинки, қусмоғи ҳам бор.

\* \* \*

Тўғридан ҳайиқма, эгилгандан қўрқ,  
Қара, камон эгик, аммо отар ўқ.

\* \* \*

Ақллар баҳсидан дил бўлар расо,  
Зеро, ирмоқлардан туғилар дарё.

\* \* \*

Қидирсанг яшашнинг осон йўлини,  
Сенга хотиржамлик тутмас қўлини.

\* \* \*

Эгизак бўлганда дил, тил ҳамда иш,  
Дунёда бўлмасди ортиқча ташвиш.

\* \* \*

Кўрқув билан умр кўргандан узоқ,  
Тинч кечган соз, қисқа умр яхшироқ.

\* \* \*

Она ердек ким бўлса камтар,  
Она ердек ҳурматга етар.

\* \* \*

Доно ақл билан юритади иш,  
Нодон жаҳл билан келтирар ташвиш.

\* \* \*

Боболардан қолган бир нақл:  
Иблисга бўлмасин тобе ҳеч ақл.

2010–2015 йиллар

## ТЎРТИНЧИ ФАСЛА

### ВАТАННИ СЕВМАК ИМОНДАНДУР

#### Илтижо

Улуғ саждагоҳга қўйганда қадам,  
Илтижо жой олди, дўстлар, дилимдан:  
– Аллоҳим, ниятим айлагин ҳамдам,  
Ҳеч айро этмагил юртим, элимдан.

#### Юрт кадри

Бегона юртларга тушганда қадам  
Бирма-бир ечилди тугунли тилсим,  
Буюклар сўзидан қолмади шубҳам:  
“Мусофир бўлмаган бўлолмас муслим”.

#### Ватаним – жоним

Тенги йўқ диёрсан, қутлуғ маконим,  
Ризқ-рўзи туганмас, ёруғ бўстоним.  
Сенга фидо айлай десам бу жоним,  
Жоним ўзингсан-ку, Ўзбекистоним.

#### Саждагоҳ

Дунёда макон кўп қутлуғ, табарруқ,  
Муқаддас қадамжо – булоқ, ғору тоғ.  
Ва лекин баридан азизу буюк  
Ватаннинг тупроғи – улуғ саждагоҳ.

## Жаннатмакон ўлка

(Маҳмуджон ҳожи ҳикояси)

Муздалифа тоғи, чўкканди оқшом  
Бир аъробий менга айлади калом:

– Эй ўзбек муслими, илтимос сенга,  
Диёринг ҳақида сўзласанг менга.

Қайда ўзи ўлканг, қайси маконда?  
Тоғлар бағридами ё биёбонда?

Дерлар, салкам аср халқинг бечора  
Тутқундан юраги бўлганмиш пора.

Ислом тақиқ экан, йўқмиш ибодат,  
Европача эмиш ҳатто урф-одат.

Макка зиёрати экан бир эртак,  
Ушалмай келаркан дилдаги истак.

Мана, неча йилки, гувоҳман ўзим,  
Юртдошларинг кўриб қувнайди кўзим.

– Ҳа, бордур, биродар, сўзларингда жон,  
Эл-юртим ўтмиши кечмади осон.

Минг шукр, барчаси орқада қолди,  
Ватаним ҳур ўлка номини олди.

Ватанки, тўрт фасл мужассам унда,  
Куёи соғинади кўрмаса кунда.

Халқ дилида Аллоҳ, меҳнатда қўли,  
Куёшдек мунаввар танлаган йўли.

Ғурурли миллатдир, буюк тили бор,  
Аждодлардан мерос суюк урфи бор.

Чорак асрдирки, тиниқ осмони,  
Ҳақ йўл кўрсатгувчи оқил сарбони.

Сарбаланд, пурвиқор азим тоғлари,  
Бол билан тўлиқдир гўзал боғлари.

Офтобдан нур эмган анжир, анори,  
Новвотдек ўриги – ҳар дардга дори.

Ковуни тил ёрар, асал нокида,  
Беҳи бўй таратар ҳатто шохида.

Мисли марвариддек узум товланар,  
Ёноқли олмаси оловдек ёнар.

Кавсардан қолишмас зилол булоғи,  
Оби ҳаётга сероб замин ҳар ёғи.

Тупроғи олтиндир сахий, бағри кенг,  
Насли одам борки, бари бирдек тенг.

Сўзласам, ҳикоям бўлар бир дoston,  
Бу менинг Ватаним – ҳур Ўзбекистон.


Азробий бир нафас ҳаёлга ботди,  
Сўнг менга юзланиб аста сўз қотди:

– О, хорижлик соҳиб, шакар тилингда,  
Чин ўғлон экансан Ватан, элингда.

Сўзингда йўқ экан заррача ёлғон,  
Тасвир этганингдак бўлса ул макон.

Миллатинг Муҳаммад уммати экан,  
Юртинг бу дунёнинг жаннати экан.

2014 йил



## МУНДАРИЖА

Сўзда сеҳр бор, шеърда эса, ҳикмат..... 3

### Биринчи фасл

Дебоча.....	7
Ота розилиги .....	7
Она меҳри.....	8
Ота-она ҳақин адо этиш ҳақида.....	11
Ота-онага оқ бўлиш хусусида .....	13
Ота-она дуоси.....	14
Тўрт амал .....	16
Ота-она яқинлари олдидаги фарзандлик бурчи.....	18
Севги, дўстлик ҳақида.....	20
Силаи раҳм .....	21
Яхшиликни қилгил зиёда.....	22
Қизлар тарбияси – жаннат ҳадяси .....	23
Эҳсоннинг улуғи.....	24
Ибратли панд .....	26
Кўшнилари ҳақида.....	27
Етим болаларга мурувват кўрсатиш.....	29
Ҳар бир яхши иш садақадур.....	31
Муслмон – ўз биродари кўзгуси.....	32
Кишилар ўртасидаги ўзаро муҳаббат.....	33
Кўнгил сахийлиги ҳақида.....	34
Дин ҳақида.....	35
Оила бойлиги.....	36
Мўмин банда одамларни лаънатламайди.....	37
Олий хислат .....	38
Макр ва алдов ҳақида .....	39
Беморга каффорат.....	40

<i>Тўрт улуғ фазилат</i> .....	41
<i>Такаббурлик</i> .....	43
<i>Тажриба ҳақида</i> .....	44
<i>Гуноҳнинг жазоси ҳақида</i> .....	45
<i>Ҳадя ҳақида</i> .....	46

### **Иккинчи фасл**

<i>Буюк хулқ соҳиби</i> .....	47
-------------------------------	----

### **Учинчи фасл**

<i>Панднома</i> .....	50
<i>Фардлар</i> .....	56

### **Тўртинчи фасл**

<i>Ватанни севмак имондандур</i> .....	58
<i>Илтижо</i> .....	58
<i>Юрт қадри</i> .....	58
<i>Ватаним – жоним</i> .....	58
<i>Саждагоҳ</i> .....	58
<i>Жаннатмакон ўлка</i> .....	59



*Диний-маърифий нашр*

**Шукур Дадаш**

**ҲАДИС – ҲАЁТ ШАМЧИРОҒИ**

*Муҳаррирлар:* Абдул ЖАЛИЛ ХУЖАМ  
Муҳтарама УЛУҒОВА  
Жамшид ШОДИЕВ

*Бадиий муҳаррир* Элнур НИЁЗ ўғли

*Саҳифаловчи* Наргиза МИРЗАЛИЕВА

*Мусаҳҳиҳа* Нилуфар АБЛАЕВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ № 146. 2009. 14. 08.

Босишга 2016 йил 21 декабрда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 3,36. Шартли б. т.: 2

Адади: 1000 нусха.

27-сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movaqounnah” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*.

Тел: (0-371) 227-34-30

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.  
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзеи,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: *muharrir@list.ru*



*Имом Бухорийдан топдим кўп ҳикмат  
Дилни забт этмиш «ал-Адаб ал-муфрад»  
Ундан олиб илҳом, куч ила журъат  
Қалбдан битдим ашъор баҳоли қудрат.*



ISBN 978-9943-12-400-4



9 789943 124004 >